



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ISTIQBOLLI LOYIHALAR MILLIY AGENTLIGINING

QARORI

№ 02/18-2-21R-89

“27” aprel 2026 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон, 2025 йил 28 мартдаги ПҚ-128-сон ва 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-162-сон қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 7 майдаги 268-сон қарорига ва 2024 йил 3 июндаги 353-F/6-сон фармойишига, Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича давлат комиссиясининг 2023 йил 31 майдаги 24-сон (2023 йил 5 июндаги VM-407(xdfu)-сон), 2024 йил 30 январдаги 3-сон (2024 йил 30 январдаги VM21/24-3(xdfu)-сон), 2024 йил 13 сентябрдаги 84-сон (xdfu) баёнларига, “O‘zbek geologiya qidiruv” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) ягона акциядорининг 2025 йил 24 октябрдаги қарорига ҳамда Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг (рўйхат рақами: 2000, 30.08.2009 й.) 92-бандига асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жамият устав капитали камайтирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2025 йил 12 майдаги P0964-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритиш учун Жамият томонидан Агентликка куйидаги хужжатлар тақдим этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

– аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилуви тўғрисидаги қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги 2025 йил 29 октябрдаги 01-14-2080-сон, 2026 йил 19 январдаги 01-12-04-сон ва 2026 йил 18 мартдаги 01-14-608-сон аризалари;

– аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни (3 нусха);

– Жамият ягона акциядорининг 2025 йил 24 октябрдаги 189/09-2(xdfu)-qr-сон қарори нусхаси;

– Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 20 декабрдаги 5-2023-сон, 2024 йил 3 февралдаги 2-2024-сон, 2024 йил 8 майдаги 4-2024-сон, 2024 йил 27 июндаги 6/2024-сон ва 2025 йил 16 апрелдаги 6-2025-сон баённомаларидан нусхаси;

– тақдим этилган хужжатлар рўйхати.

2. Жамият устав капитали камайтирилиши муносабати билан Жамиятнинг 2025 йил 12 майдаги P0964-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтган акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорига киритилаётган ўзгартиришлар матни давлат рўйхатидан ўтказилсин.

Муқаддам 2025 йил 12 майдаги P0964-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан чиқарилган номинал қиймати 100 сўм бўлган 345 072 862 500 сўмлик 3 450 728 625 дона оддий акциялардан 28 801 669 500 сўмлик 288 016 695 дона акциялар бекор қилинсин ва жами 316 271 193 000 сўмлик 3 162 711 930 дона акциялар муомалада қолдирилсин.

3. Агентликнинг Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатга олиш бўлимига (С. Муротов):

– Агентлик томонидан Жамиятнинг аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилишига ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;

– ушбу қарорнинг бир нусхасини Жамиятга, бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартириш киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Капитал бозорини ривожлантириш департаменти Капитал бозорини тартибга солиш бошқармаси Қимматли қоғозлар чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш бўлимига юклатилсин.

Директорнинг биринчи
ўринбосари



В. Пак



«TASDIQLANGAN»
“O‘zbek geologiya qidiruv” AJ
O‘zbekiston Respublikasi
Davlat aktivlarini boshqarish agentligi

Direktorning birinchi o‘rinbosari
N.Xusanov

2025 yil «24» 10 189/03-2 (vdq) -son

M.O‘.

«RO‘YXATGA OLINGAN»
O‘zbekiston Respublikasi
Istiqbolli loyihalar milliy agentligi

Direktorning birinchi o‘rinbosari
V.Pak

2026 yil «27» 04. 0218-2-2/R-89 -son

M.O‘.

O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar milliy agentligi tomonidan
2025 yil 12 mayda P0964-2-son bilan ro‘yxatdan o‘tkazilgan “O‘zbek geologiya qidiruv”
aksiyadorlik jamiyatining qimmatli qog‘ozlar chiqarilishi to‘g‘risidagi qaroriga
kiritilayotgan o‘zgartirishlar
MATNI

Amaldagi tahrir	Yangi tahrir
2025 yil 12 maydagi P0964-2-sonli	
Titul varag‘i	Titul varag‘i
Nominal qiymati 100 so‘m bo‘lgan 3 450 728 625 dona egasining nomi yozilgan hujjatsiz shakldagi oddiy aksiyalar.	Nominal qiymati 100 so‘m bo‘lgan 3 162 711 930 dona egasining nomi yozilgan hujjatsiz shakldagi oddiy aksiyalar.
4-band. Ushbu chiqarilishdagi aksiyalarning soni (dona) – 3 450 728 625 (uch milliard to‘rt yuz ellik million yetti yuz yigirma sakkiz ming olti yuz yigirma besh) dona.	4-band. Ushbu chiqarilishdagi aksiyalarning soni (dona) – 3 162 711 930 (uch milliard bir yuz oltmish ikki million yetti yuz o‘n bir ming to‘qqiz yuz o‘ttiz) dona.
5-band. Ushbu chiqarilishning umumiy hajmi (so‘m) – 345 072 862 500 (uch yuz qirq besh milliard yetmish ikki million sakkiz yuz oltmish ikki ming besh yuz) so‘m.	5-band. Ushbu chiqarilishning umumiy hajmi (so‘m) – 316 271 193 000 (uch yuz o‘n olti milliard ikki yuz yetmish bir million bir yuz to‘qson uch ming) so‘m.

Boshqaruv raisi

Alimov Shamsiddin Paxritdinovich

Bosh buxgalter

Jumanov Shokirjon Kurbanovich

M.O‘:



Sana: 202_ yil «___» _____